



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Давергеодезкадастр  
қўмитаси раиси



А.Х.Абдуллаев  
февраль 2018 йил

**Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида ўтказилган йиғилиш**

## **БАЁНИ**

9 февраль 2018 йил

Тошкент ш.

**Раислик қилди:**

**А.Х.Абдуллаев - Давергеодезкадастр  
қўмитаси раиси**

**Қатнашдилар:**

Қўмита раиси ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ходимлар бўлими, ҳуқуқшунос ҳамда девонхона ходими.

### **КУН ТАРТИБИ:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28-29 январ кунлари Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ҳокимлигида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнида юклатилган топшириқларнинг муҳокамаси.**

### **2. Ҳар хил масалалар.**

---

*(Абдуллаев, Рузметов, Алимов, Нормўминов, Хамраев, Хушвақтов, Амирқулов, Омонов, Майинов, Ибрагимов, Усмонов, Абдуллаев)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28-29 январ кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи ва Чироқчи тумани ҳокимлигида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёни орқали қўмитамизга юклатилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28-29 январ кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи ва Чироқчи тумани ҳокимлигида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Картография” давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси (Ибрагимов) Қашқашқадарё вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Усмонов) билан биргаликда **бир ой муддатда** Қашқадарё вилоятининг тоғ туризми, эко, этно, агро туризм хариталарини, шу жумладан топографик хариталарини, сайёҳлар томонидан фойдаланиш хариталарини ишлаб чиқсин ҳамда ҳар бир туризм инфратузилма объектлари ҳақида қисқача маълумотлар берилишини таъминлансинлар.

3. Қўмитанинг Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармаси (Нормўминов), “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ (Омонов), “Геоинформкадастр” ДУК (Майинов), Қашқашқадарё вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Усмонов) билан биргаликда;

**ўн кун муддатда** малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузган ҳолда вилоятнинг Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Деҳқонобод ва Қамаши туманларидаги лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ер ости сув манбаларига асосланган суғориш тизимларини жорий этиш орқали экспортбоп ва доривор ўсимликлар экиш мумкин бўлган ер майдонларини аниқлаш;

**икки ой муддатда** замонавий учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланган ҳолда вилоятдаги мавжуд кўп йиллик дарахтзорларни ялпи хатловдан ўтказиб, хатлов натижаларига кўра самарасиз фойдаланилаётган, яроқсиз, кам ҳосилли боғ ва токзорлар ўрнига интенсив боғ ва экспортбоп экинлар экиш бўйича қўмига таклиф киритсинлар.

4. Қўмитанинг Иқтисодий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби (Мавлонов) ва Ер тузиш (Алимов) бошқармалари мазкур баённинг 3-бандид кўрсатилган тадбирларни сифатли ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳ аъзоларига керакли маблағ ва шарт-шароитини яхшилаш учун маблағ ажратиш бўйича раҳбариятга асосланган таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Қашқашқадарё вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Усмонов), туман ҳокимликлари билан биргаликда **ўн кун муддатда** “Big agro Export” МЧЖ томонидан нўхат ва мош етиштириш учун Косон, Касби, Қарши, Нишон ва Миришкор туманларидан 10 минг гектар ҳамда “Боғдорчилик уюшмаси”га 5000 гектар заҳира ерлардан ер майдони ажратиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимлигига ва қўмига таклифлар киритсин.

6. Ушбу йиғилиш баёнидаги топшириқлар ижроси бажарилишини назорат қилиш раис ўринбосари И.И.Рузметов зиммасига юклатилсин.

Баёнлаштирувчи



Ф.Хушвақтов

